

УЎК (УДК, UDC): 811.512.133:378.1(575.1)
DOI: 10.36078/1581918730

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛИНГВОТАЪЛИМШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДАГИ АСОСИЙ МАНБАЛАР



Ихтиёр Рахматуллаевич БАЗАРОВ
Мустақил изланувчи
Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
rbozorov@gmail.com

Аннотация

Мақола тадқиқ этилаётган мавзуга доир долзарб масаланинг моҳиятини ўзбек тилининг терминология тизими билан боғлиқ ҳолда ёритиб беришдан иборат. Лингвотаълимшунослик терминологиясининг шаклланиш ва тадрижий ривожланиш босқичлари тил тараққиётининг тарихий тадрижийлик нуқтаи назаридан инглизтили ҳамда ўзбек тили материаллари асосида таҳлил этилди. Терминология амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, лингвотаълимшунослик соҳасига доир терминологик бирликларни англатувчи тушунчалар миллий-маданий қарашлари турлича бўлган мазкур соҳа мутахассислари томонидан ўзаро муштаракликда воқе бўлмаслиги ва турлича талқин этилиши аниқланди.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади ўзбекча лингвотаълимшунослик терминологик бирликларининг шаклланишидаги асосий омиллар, терминлар манбаи, терминларни шакллантиришдаги ички ва ташқи имкониятлар, турли ижтимоий-маданий контекстларда соҳа терминларининг қўлланилиши ва интерференция ҳодисасини терминологик бирликлар мисолида қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Лингвотаълимшуносликнинг дидактика, методика, тилшунослик, педагогика, психология психоллингвистика ва лингвомаданиятшунослик каби фанлари билан ўзаро алоқадорлиги унинг чет тилларни ўргатишда асосий лингвистик замин эканлиги ҳақида тасаввур беради. Тил таълими назариясига оид долзарб муаммоларни ўрганувчи лингвотаълимшунослик фанининг тушунчалари мажмуини ифодаловчи терминлар соҳа мутахассислари томонидан, асосан, хорижда ва юртимизда битилган турли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий адабиётларда ишлатилмоқда.

Ушбу жараённи ўзбек тили мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳақиқатан, ҳозирги кунда лингвотаълимшуносликнинг тушунчаларини янги талқинда тавсифловчи миллий терминология тизими шаклланимоқда.

Калит сўзлар: тил билиш; тил таълими назарияси; чет тил; иккинчи тил; малака; лингвотаълимшунослик; лингвотаълимшуносликнинг умумий онтологияси; лингвометодика; методик категориялар.

ОСНОВНЫЕ ИСТОЧНИКИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИНГВОДИДАКТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Ихтиёр Рахматуллаевич БАЗАРОВ

соискатель

Кафедра теории и практики перевода

Узбекский государственный

университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

rbozorov@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается терминология лингводидактической науки с учётом её специфики в диахронии и синхронии. Основные процессы формирования и динамического развития терминологической системы этой науки изучены на материале узбекского языка. Отмечается важность национального контекста развития лингводидактики при анализе терминологии, существование проблемы развития терминологии и поиска эквивалентных терминов.

Цель данной статьи заключается в обосновании необходимости выявления основных факторов, источников формирования и динамического развития терминологических единиц данной науки и их употребления в разных социокультурных контекстах, включая расхождения в значениях терминов лингводидактики соответствующей культуры.

Следует отметить, что тесная связь лингводидактики с такими дисциплинами, как дидактика, методика, языкознание, педагогика, психология, психолингвистика и лингвокультурология, является основным базисом лингвистики в обучении иностранным языкам. Однако лингводидактика как самостоятельная наука занимается основными проблемами обучения языкам. В настоящее время отечественные специалисты совместно со своими зарубежными коллегами разрабатывают терминологическую систему указанной науки и новые термины достаточно широко используются в учебниках, учебных пособиях и научной литературе.

В настоящее время современная национальная терминологическая система формируется на материале узбекского языка, большое внимание уделяется тому, чтобы национальная терминологическая система лингводидактики отвечала основным требованиям, предъявляемым к терминам.

Ключевые слова: владение языком; теория языкового образования; иностранный язык; второй язык; умение; лингводидактика; общая онтология лингводидактики; лингвометодика; методические категории.

MAIN SOURCES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE TERMINOLOGICAL UNITS OF LANGUAGE DIDACTICS IN THE UZBEK LANGUAGE

Ihtiyor Rahmatullaevich BAZAROV

Researcher

Translation Theory and Practice Department

Uzbekistan State World Languages University

rbozorov@gmail.com

Abstract

The article deals with terminological system of language didactics taking into account its specific features from the aspects of diachronic and synchronic analyses. The main processes of formation and dynamic development of the terminological system of this science have been investigated owing to materials of the Uzbek language. However, it is important to define the role of national context in the development of language didactics by cross-cultural analysis of terminology, existing problems of comparative study of terminology and searching corresponding equivalents of these terms.

The aim of the research is to improve the necessity of defining the main factors and sources of the formation and dynamic development terminological units of this science and their usage in different socio-cultural contexts, including differences in the meanings of terms of the language didactics of corresponding culture.

One should be noted that close relation of language didactics with the disciplines such as didactics, methodics, pedagogy, psychology, psycholinguistics and linguaculturology is the main basis of linguistics in teaching foreign languages.

Keywords: to know the language; theory of language education; foreign language; second language; skill; language didactics; general ontology of language didactics; language teaching methods; methodical categories.

Кириш. Замонавий тил ўргатиш шароитининг яратилиши тил таълимшунослигига доир янги тушунчалар пайдо бўлишига олиб келади. Демак, янги тушунчаларни номлаш заруратининг вужудга келиши тилшунослар терминологлар олдига муҳим вазифаларни кўяди. Бир тилдан бошқа тилга ўзлашаётган терминологик бирликларнинг ўзга тилда турли хил эквивалентлари яратилади. Соҳа мутахассислари томонидан терминологик бирликлар турли таржима вариантлари ёрдамида қабул қилувчи (рецепиент) тилда қайтадан туғилади ва бу жараёнда терминологик бирлик ўз оригиналлик хусусиятини йўқотиши табиий. Баъзи ҳолларда ўзга тилдаги термин сўз ўзлаштирувчи тилга тўғридан-тўғри (direct borrowing) воситачи тилнинг иштирокисиз кириб келади. Масалан: test — тест, contact — контакт, context — контекст, method — метод, rating — рейтинг ва бошқалар. Бу каби терминлар барча тилларда кенг истеъмолда бўлиши нуктаи назардан интернационал (байналмилал) лексика мақомига эга бўлган.

Асосий қисм. Лингвотаълимшунослик мустақил янги фан соҳаси сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва шундан бери муайян бир тарихий босқични босиб ўтди. Ушбу давр мобайнида чет тилларни ўқитиш методикаси мазмунини бойитишга ва унинг асосий тамойилларини бугунги кун талаби нуктаи назардан янги интегратив ёндашувлар асосида ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу ҳақда рус методисти Н.Д. Гальскова

қуйидаги фикрни билдиради: “Методика фани ҳақиқатан, ўзининг назарий асосларини интегратив ёндашувлар орқали чет тил ўқитиш жараёнининг тамойилларини педагогик ёндашувнинг асосий қонуниятларига мувофиқ ҳолда мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, чунки бундан кўзланган асосий мақсад – чет тилни ўқитишнинг самарали методларига баҳо бериш ва уларни такомиллаштириш учун ҳақиқий илмий асос яратишдан иборат” (1, 336).

Хорижий тилларни ўқитишнинг ҳозирги давр талабига кўра чет тилни ўрганувчи ўқувчи ёхуд талаба мазкур жараённинг объекти эмас, аксинча субъекти деб қаралади. Шу боис, чет тилни ўргатишдаги турли ёндашувлар чет тил ўқитувчиси олдига муайян талабларни қўйиши табиий ва бунда ўқитувчидан вазиятга тўғри ёндашган ҳолда, онгли равишда ўз танловига эга бўлиш ҳамда шу асосда қайси методлардан оқилона фойдаланишни талаб қилишга янги ёндашув сифатида қаралган. Алқисса, “тил билиш” тилни эгаллаш жараёнини қай тарзда ёки қандай шарт-шароитларда амалга ошириш билан боғлиқ. Бу жараённи Г.Н. Ловцевич қуйидагича тушунтиради: “Хуллас, ушбу жараённи англатувчи тушунча қиёсланаётган тилларда қуйидаги терминологик бирликлар воситасида намоён бўлади: *to know the language* (ингл.) — *владение языком* (рус.) — *тил(ни) билиш* (ўзб.); *to learn the language* (ингл.) — *овладение языком* (рус.) — *тилни эгаллаш* (ўзб). Албатта, ушбу кўринишдаги терминологик бирликлар лингвотаълимшуносликда муайян лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)га мансуб ва муайян мавзу гуруҳига оид тушунчаларни ифодалайди” (4, 35).

Ўқув-таълим шароитида чет тилни эгаллаш жараёни *психолингвистлар* (нутқ фаолиятини ўрганувчи руҳшунослар), *чет тил ўқитиш услубчилари, тилшунослар* каби мутахассисларнинг асосий тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу жараён яъни тилни эгаллаш жараёнини тадқиқ этиш юқорида қайд этилган фан соҳаларидан фақат бирининг тадқиқот объекти бўлиши мумкин деган фикр мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки ундай вазиятда тилни эгаллаш механизмларидан қандай таълимий мақсадлар кўзланганлигини тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараённи бир бутун яъни яхлит ҳолда фақатгина лингвотаълимшунослик фани амалга ошириши мумкин, сабаби — ушбу фан соҳаси тилни эгаллаш механизмларини қандай амалга ошириш жараёнини баён эта олади, ҳамда таълимий шароитларда ушбу механизмларни ўзига хос бошқарувини ҳис эта олади.

Хуллас, лингвотаълимшунослик фани соҳаси деганда мустақил ва ўзаро илмий жиҳатдан алоқадор бир қанча фанлар яхлитлиги назарда тутилади, жумладан, методика, дидактика, тилшунослик, педагогика, психология, психолингвистика, лингвомаданиятшунослик каби фанлар шулар сирасидан ҳисобланиб, мазкур фан юқорида номлари зикр этилган илмий соҳалар билан ўзаро алоқадорликда чет тилларни ўргатишнинг лингвистик замини эканлиги тасаввур этилади. Шунини таъкидлаш жоизки, лингвотаълимшунослик фанининг ушбу илмий фан соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги назария билан амалиёт узвийлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, лингвотаълимшуносликнинг асосини ўрганилаётган тил ташкил этади ва у туфайли тил ўрганувчининг ўзи ўрганаётган тилга бўлган муносабати яққол намоён бўлади ва ўз навбатида мазкур фан соҳасига бевосита алоқадор бўлган фанларни (методика, дидактика, педагогика, психология, психолингвистика, тилшунослик) ўрганишдан тубдан фарқ қилади.

Лингвотаълимшунослик амалий-илмий фан соҳаси сифатида ўзининг асосий тушунчалари, тил ва нутқнинг киши онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги ва алоқа воситаси сифатида намоён бўлиш жараёнини қамраб олади. Ушбу тушунчаларнинг функцияси онгимизда тил ҳақидаги тушунчани лингвотаълимшуносликка хос категориялар тарзида акс этишини кўрсатиб беришдан иборат. Бу тушунчалар тилдаги мавжуд қонуниятларни ўз ичига олади. Шу билан бирга тилнинг табиати, қўлланилиши ҳамда лингвотаълимшунослик фанига оид бўлган мантикий категорияларни ифодалайди. Демак, тушунчалар билан боғлиқ мантикий категориялар лингвотаълимшунослик фанининг асосий мақсадини белгилайди ва муайян таълимий мақсадларга хизмат қилади. Кўринадики, тушунчалар тизими у ёки бу фан соҳасига бевосита тааллуқли бўлса-да, бироқ улар муайян тузилма кўринишида мавжуд бўлиб, муайян соҳавий мавзуларга оид эканлиги билан фарқ қилади.

Муайян фан соҳасига доир тушунчалар туркуми терминлар тизимини ташкил этади ва улар ҳар бир дарсликдан жой эгаллайди. Бу эса лингвотаълимшунослик фанининг тадқиқот предмети кўринишида намоён бўлади ва дарсликнинг иккиламчи тили (метатил) ҳисобланиб, ушбу янги терминнинг қачон ва қандай қилиб, қайси контекстда ва қайси тил услубида киритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, тил таълими назариясига доир долзарб муаммоларни ўрганувчи лингвотаълимшунослик фанининг тушунчалари мажмуини ифодаловчи терминлар соҳа мутахассислари томонидан асосан хорижда ва юртимизда ишлаб чиқилган. Мазкур соҳа терминлари турли дарсликлар, ўқув кўлланмалари ва илмий адабиётларда кенг ва фаол ишлатилмоқда.

Лингвотаълимшунослик терминологик бирликларининг қўлланилиши ва таркиби таҳлилига кўра, уларни қуйидаги учта асосий гуруҳга ажратилди:

- Соф лингвотаълимшунослик (дидактика, методикага оид) терминлар, асосан, мазкур соҳаларга хос тушунчаларни ифодаловчи контекстда қўлланилади. Жумладан, улар тиллар таълимшунослиги соҳасига доир илмий ва ўқув адабиётларида, лисоний ва нутқий кўникмаларда, луғатларда қўлланиладиган лексик бирликлардан иборат терминлар мажмуидан иборат. Масалан: *didactics* — *дидактика* — *таълимшунослик (таълим назарияси)*, *language didactics* — *лингводидактика* — *лингвотаълимшунослик, тил таълими назарияси*, *general ontology of language didactics* — *общая онтология лингводидактики* — *лингвотаълимшуносликнинг умумий онтологияси (мазмун)*, *private ontology of language didactics* — *частная онтология лингводидактики* — *лингвотаълимшуносликнинг хусусий онтологияси*, *social nature of a language* — *социальная природа языка* — *тилнинг ижтимоий табиати*, *theoretical basis of language didactics* — *теоретические основы лингводидактики* — *лингвотаълимшуносликнинг назарий асослари*, *theoretical and practical basis of language didactics* — *теоретико-практические основы лингводидактики* — *лингвотаълимшуносликнинг илмий-назарий ва амалий асослари*. Таҳлил материаллари учун олинган терминлар И.Л. Колесникова, О.А. Долгина томонидан ҳаммуаллифликда яратилган (2, 223).

- Соҳалараро қўлланиладиган (*педагогика, дидактика, психология, психолингвистика, лингвистика, лингвотаълимшунослик, методикага оид*) терминлар: *foreign language* — *иностранный язык* — *чет тил*, *second language* — *второй язык* — *иккинчи тил*, *skill* — *умение* — *малака* ва бошқалар. Бундай терминологик бирликларнинг қўлланилишида ноёб ва универсал хусусиятларни кузатиш мумкин.

- Умумистеъмол лексиканинг терминлашуви мазкур соҳа тушунчаларини реаллашувига хизмат қилади ва ўзининг полисемантик хусусиятини сақлайди. Шунинг учун, уларни умумистеъмол сўзлардан

ясалган кўчма маъноларда қўлланиладиган терминологик бирликлар деб аташ мумкин. Илмий баён учун кўчма, номинатив маънолар хосдир. Масалан: *horseshoe sitting* (is where and the teachers sit on chairs in the shape of horseshoe) — *подковообразное размещение* — *тақасимон жойлашув*, *chatting* — live chat (is when people “talk” to each other in real time on the internet by emailing a website to which all the other “chatters” are also connected) — *беседа* — *суҳбат* (жонли) ва шу каби. Юқорида келтирилган *horseshoe sitting*, *chatting* терминлари инглиз методисти Ж. Ҳармер томонидан қўлланилган (7, 268).

Лингвотаълимшунослик терминлари гуманитар фанлар терминологиясининг энг янги қатламини ташкил этади. Чунки улар тил таълимига доир янги тушунчалар ифодаланиши билан фарқланади. Тил таълими назарияси ва хорижий чет тилларни ўқитиш методикаси фани янги соҳавий терминларни пайдо бўлиши ҳисобига мазмунан бойиб бормоқда.

Хусусан, ушбу жараённи ўзбек тили мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда лингвотаълимшунослик тушунчаларини янги талқинда тавсифлай оладиган терминология тизими шаклланимоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир фан соҳасининг илмий тушунчаларини тўлиқ мужассам этувчи терминология тизими ўзининг шаклланиши ва ривожланиши нуқтаи назардан муайян тарихий тараққиёт жараёнларини босиб ўтади. Табиийки, тилда пайдо бўлган ҳар қандай янги тушунчалар ва ҳодисаларни номлаш (аташ) талаб этилади. Айниқса, бугунги кунда лингвотаълимшунослик соҳаси терминлари асосан Европа тиллари негизида пайдо бўлган ва уларнинг аксарияти тилимизда энг янги ўзлашмалар (неологизмлар) тарзида намоён бўлмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида мазкур соҳа терминологик бирликлари, уларнинг эквивалентлари, таржима қилиш усули билан яратилган ўзбекча муқобиллари асосан *манба тил* (*source language* — *язык источник*) ҳисобига яъни инглиз ёхуд рус тилларининг негизида шаклланади ва ушбу жараён давом этмоқда. Демак, лингвотаълимшунослик терминология тизимини шаклланиши ва тадрижий ривожланишидаги асосий ташқи манбаларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Хорижий тилларни ўқитиш методлари тарихи. Методика фанининг тарихи. “XIX–XX асрларда чет тилларни ўқитиш методикасининг асосий йўналишлари”. Академик А.А. Мироллюбовнинг муҳим тадқиқотлари асосида шаклланиган Россиядаги чет тилни ўқитиш тажрибаси. Методика фани асосий

категорияларининг шаклланиши. Анъанавий ва янги (инновацион) ёндашувлар.

2. Чет ўқитишнинг коммуникатив методи. Коммуникатив (нутқий алоқа қилиш) ёндашув. (Communicative language teaching).

3. Масофавий ўқитиш (таълим)нинг кейс технологияси.

4. Интерактив методика. (АҚШда қўлланилган чет тилни ўргатиш услубияти бўлиб, бу даставвал У. Риверс терминологиясида ўзаро фаол нутқий мулоқот билан боғлиқ тушунчани англатади).

5. Ахборот-идрок этиш (қабул қилиш)ни ўргатиш методикаси.

6. Ўқитишнинг илмий текшириш методи.

7. Шахс фаолиятига қаратилган ёндашув (learner centered approach).

8. Шахсга йўналтирилган таълим.

9. Ўқувчи нутқини аниқлашга қаратилган ёндашув (student centered approach).

10. Аралаш таълим методи.

11. Чет тиллар ўқитишнинг хусусий методикаси.

Кўринадики, лингвотаълимшунослик соҳасининг ривожланишида замонавий ўқитиш методларининг пайдо бўлиши, янги ўқитиш усулларининг жорий этилиши муҳим қадам бўлса-да, иккинчи томондан, чет тилни ўргатишда янги методлар ва технологияларнинг интенсив (жадал) қўлланилаётганлиги жамиятимизнинг талаб ва тақлифларига мос бўлишини таъминлайди. Шу боис, чет тилни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ва таълим сифатини оширишда қўлланилаётган барча методлар мажмуини лингвотаълимшунослик фани деб аталиши бежиз эмас, албатта.

Лингвотаълимшунослик терминология тизимини миллий тилда шакллантириш ва уйғунлаштириш деганда уларнинг ўзбекча эквивалентларини яратишда она тилининг ички имкониятлари назарда тутилади. Шунга кўра, инглизча терминлар ўзбек тилининг лексик базасида калькалаш, таржима қилиш усуллари, мавжуд ифода воситалари ва материалларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда қайта яратилади.

Қиёсланаётган тиллардаги мавжуд ички лингвистик омиллар сифатида термин ясашда қуйидаги икки ҳолат назарда тутилади:

1. Умумистеъмолдаги лексикани термин сифатида илмий-услубий қўллаш.

2. Ўзлашма терминлар негизида уларнинг сўз ўзлаштирувчи тилдаги эквивалентларини яратиш.

Умумистеъмол лексиканинг термин сифатида қўлланилиши ҳақида С.Усманов шундай дейди: “Маълумки, умумистеъмол лексика сўзлашув нутқида ҳамда ёзма адабий тилга хос бўлиб, нутқий қўлланиш жиҳатидан бирор нутқ турига хосланмаган. Бунга оид сўзлар ҳамманинг нутқида қўлланиши, улар учун тушунарли бўлиши, одатдаги муомала нутқида қўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Умумистеъмол лексика тил луғат составининг катта бир қисмини ташкил қилади. Лекин улар илмий назарда ўзига хос қўлланишга эгадир. Бу хусусият умумистеъмол лексиканинг илмий нутқ талабига бўйсунушидан, унга мос қўлланишида келиб чиқади” (6, 32).

Хусусан, ўзбек тилидаги лингвотаълимшунослик терминология тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви даврида ўзбек тилининг ички имкониятлари муҳим аҳамият касб этишини назарда тутмоқ лозим. Лингвотаълимшунослик терминларининг ўзбекча эквивалентларини яратиш, асосан, инглизча ва русча терминларнинг заминида амалга оширилмоқда. Бу жараёни тадқиқ этиш мазкур соҳа терминологияси амалиёти, яъни терминографиянинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда асосан ташқи манба сифатида инглизча термин ўзлашмалардан фойдаланиш тақозо этилади. Бироқ, ташқи манбаларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам термин ясаилиши амалиётида асосий омил бўлавермайди. Чунки миллий терминология шаклланиши ва ривожланиши босқичида термин ўзлашмаларининг эквивалентларини миллий тилда яратиш имконияти чегараланган. Бунинг асосий сабабларидан бири термин ўзлашмалар ўзга тил соҳиблари ва уларнинг миллий-маданиятига хос тушунчаларни акс эттириши билан ажралиб туради. Маълумки, термин тушунча (концепт) билан боғлиқ фалсафий категория сифатида қаралади. Шунга кўра, инглиззабон миллатига хос тушунчани ўзга тилда воқе бўлишида тушунчалар ўртасида номувофиқлик вужудга келиши табиий, ушбу ходиса когнитив тилшуносликда кенг кўламда тадқиқ қилганлиги барчага аён. Демак, инсон онгида воқеликнинг реаллашувида ижтимоий-маданий ва лисоний жиҳатлар ўзаро кесишади, воқеликнинг идрок этилиши турли миллат вакиллари онгида турлича кечади, бу эса миллийликка хос тушунчанинг намоён бўлиши деган фикрга келишимизга асос бўла олади.

Хулоса. “Дарҳақиқат, терминографияда миллий тилда мазкур соҳа терминологик бирликлари муқобилларини яратиш, уйғунлаштириш мураккаб

жараён. Чунончи, хорижий лингвотаълимшунослик терминологиясида айнан мазкур термин қўлланилмайди. Шунинг учун инглиз тилидаги ушбу терминнинг изохи ва таржимаси қўшимча шарҳларни талаб этади” деган фикр рус тилшунос олими Д. И. Лебедевга тааллуқлидир (3, 109). Аслида, лингводидактика термини рус тилшунос олими, академик Н. М. Шанский томонидан киритилган ва у тил таълими билан боғлиқ муаммоларни ўқув-таълимий мақсадлар нуктаи назаридан тадқиқ этувчи янги мустақил фан соҳасининг номи сифатида эъирוף этилади. Мазкур соҳа мутахассисларининг фикрича, *лингводидактика* термини инглиз тилидаги *Language teaching and applied linguistics, language teaching methodology (theory), language pedagogy, theory of language acquisition* каби номинатив термин бирликларига қисман тўғри келиши мумкин. Профессор Ж. Ж. Жалолов ҳозирги замон тил ўқитиш илмидаги мавжуд маълумотларни умумлаштириб, *лингводидактикага* қўйидаги таърифни тавсия этиш мумкин дейди: “Тиллар таълимшунослиги” деганда, якзабонлик, иккитиллилик-зуллисонийлик ва кўп тиллилик — полиглоссияни ўргатишга доир илмий соҳа тушунилади” (5, 329). Мазкур таъриф муаллифининг фикрича, қайси тил, қандай шароитда, нима мақсадда ва қандай қилиб ўрганилишидан қатъи назар, тил таълими қонуниятларида умумийлик кўзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранных языком. Лингводидактика и методика: учеб. пособие для студ. лингв. ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. заведений. – 5-е изд. – М.: Академия, 2008. – 336 с.
2. Колесникова И.Л., Долгина О.А. Англо-русский терминологический справочник по методике преподавания иностранных языков. — СПб.: Русско-Балтийский информационный центр «БЛИЦ». Cambridge: Cambridge University Press, 2001. – 223 с.
3. Лебедев Д.И. Проблемы адекватности перевода лингводидактических терминов на материале русского и английского языков: дисс. канд. филол. наук. – М., 2006. – 109 с.
4. Ловцевич Г.Н. Кросс-культурный терминологический словарь как словарь нового типа (на материале английских и русских терминов лингводидактики): Автореф. дисс. д-ра. филол. наук. – М., 2010. – 35 с.
5. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 329 б.
6. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Ўқитувчи, 1968, – 32 б.
7. Jeremy Harmer How to teach English. – Edinburgh, 2007. – 268 p.

REFERENCES

1. Gal'skova N. D., Gez N. I. *Teoriya obucheniya inostrannykh yazykom. Lingvodidktika i metodika* (Theory of teaching foreign languages. Linguodidactic and methods), Vol. 5, Moscow: The academy, 2008, 336 p.

2. Kolesnikova I. L., Dolgina O. A. *Anglo-russkii terminologicheskii spravochnik po metodike prepodavaniya inostrannykh yazykov* (Anglo-Russian terminological reference book on the methodology of teaching foreign languages), Cambridge: Cambridge University Press, 2001, 223 p.
3. Lebedev D. I. *Problemy adekvatnosti perevoda lingvodidakticheskikh terminov na materiale russkogo i angliiskogo yazykov* (Problems of adequacy of translation of linguo-didactic terms on the material of Russian and English languages), Diss. Cand. Philol. sciences', Moscow, 2006. 109 p.
4. Lovtsevich G. N. *Kroskul'turnyi terminologicheskii slovar' kak slovar' novogo tipa na materiale angliiskikh i russkikh terminov lingvodidaktiki* (Cross-cultural terminology dictionary as a new type of dictionary (based on English and Russian terms of linguodidactics), author's review. Diss. Dr. Philol. sciences' Moscow, 2010, 35 p.
5. Zhalolov Zh. Zh. *Chet til ukitish metodikasi* (Foreign Language Teaching Methodology, Tashkent: Teacher, 1996, 329 p.
6. Usmonov S. *Uzbek terminologiyasining ba"zi masalalari* (Some issues of Uzbek terminology), Tashkent: Teacher, 1968, 54 p.
7. Jeremy Harmer, *How to teach English*. Edinburgh, 2007, 268 p.